

Ижтимоий-гуманитар фанлари соҳаларида илмий унвонларга  
талаабгорлар учун “Давлат ва жамият қурилиши тизимини  
такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва  
либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва  
амалий йўналишлари” фанидан маҳсус  
**ИМТИҲОН ДАСТУРИ**

**Имтиҳоннинг мақсад ва вазифалари**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-маънавий соҳаларда тараққиёт ва янгиланишнинг ўзига хос ҳамда ўзига мос йўлини танлади. Мамлакатимиз ўтган қисқа вақт мобайнида улкан ютуқларга эришди. Ватанимизда соғлом, осойишта ижтимоий муҳит, сиёсий барқарорлик вужудга келиб, фуқароларга ўз қобилият ва истеъдодларини намоён қилиш, яратиш, бунёдкорлик билан шуғуланиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси, оқилона ва одилона ички ҳамда ташқи сиёсати, танлаган йўли – ривожланишнинг «Ўзбек модели» номи билан дунёга тарқалиб тан олинди. Буларнинг ҳаммаси, аввало, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг беқиёс хизматлари туфайли вужудга келди. Ўзбекистоннинг «ўзига хос ва ўзига мос» тараққиёт йўли, йўналишлари, истиқболнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллий анъаналаримизга асосланган янги давлатчилик назарияси, миллий тикланиш ғояси, мамлакатимизнинг ўтмиши ва бугунги тараққиёти, ушбу ривожланиш замидаги муаммолар, истиқболда мўлжалланган стратегик масалалар, минтақавий ва халқаро сиёsat, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва мавқеи каби долзарб масалалар ишлабчиқилди. Шунингдек, Ўзбекистонда қурилаётган хуқуқий демократик давлат хусусиятлари, демократия ва халқ руҳияти, демократик тамойиллар ривожи, маданиятлар ва цивилизациялар синтези, фуқаролик жамияти тизимини шакллантириш йўллари, миллий мафкура зарурати ва унинг негизлари, миллий қадриятларни тиклаш, неча минг йиллик тарихимизни ўрганишнинг концептуал ғоялари асослаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жараёнларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларни ҳаётга татбиқ этишдаги муаммо ва ечимлар ҳамда ижтимоий фанларнинг асосий назарий йўналишлари тўлиқ ўз аксини топган. Шу боис, бу масалаларни пухта билиш, уларда ёритилган ғоя ва назариялар моҳиятини англаб этиш ҳар бир фуқаро учун, айниқса, ижтимоий фан мутахассислари учун зарур.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича харакатлар стратегиясини, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва амалий йўналишларини ўрганиш

жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни тизимли таҳлил килишга, муаммоларни ҳар томонлама идрок этишга ёрдам беради. Ушбу йўналишни ташкил этишдан мақсад – ижтимоий-гуманитар фанлари соҳаларида илмий унвонларга талабгорларнинг фикрлаш қобилияти, мустақиллик мафкурасини идрок эта олиш даражаси, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий-мафкуравийжараёнлар бўйича назарий тайёргарлиги, юксак маънавияти ва маърифатлилигини баҳолашдан иборат.

Ижтимоий-гуманитар фанлари соҳаларида илмий унвонларга талабгорлар учун “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва амалий йўналишлари” фанидан маҳсус имтиҳон дастури қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Илмий тадқиқот ишининг долзарблиги ва илмий асосланганлиги даражаси.
2. Илмий тақдиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов асалари ва назарий қарашларининг ўрни.
3. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг илмий асослари ва устувор йўналишлари.
4. Миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётини ислоҳ этиш ва мамлакатни модернизация қилиш, суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар.
5. Мустақиллик мафкураси негизлари, маънавият, маърифат, миллий ғоя, мафкура ва давлатнинг барқарор ривожланишига таҳдидлар, уларни бартараф этишнинг самарали механизмлари.
6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси.

## I-БЎЛИМ

### ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ИЛМИЙ АСОСЛАНГАНЛИГИ ДАРАЖАСИ

Илмий тадқиқот мавзусининг танланганлиги зарурияти ва амалиёт билан боғлиқлиги. Мавзунинг долзарблиги ва унинг илмий асослантирилганлиги. Илмий тадқиқот ишининг олий таълим муассасасининг устувор тадқиқотлар режасигамуофиклиги. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси ва бошқа муҳим стратегик йўналишларга бағишланган дастуруламал хужжатларга боғланганлиги.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда ворисийлик: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” мавзусидаги 2017-йил 14-январдаги маърузасида илгари сурилган ғоялар мазмуни ўрганиш назарда тутилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражасининг ёритилиши ҳолати. Илмий тадқиқот ишида мавзуга оид хорижий адабиётлар билан ишлаш даражаси.

Илмий тадқиқот ишида маҳаллий олимлар ва мутахассислар илмий ишларидан фойдаланишнинг ҳолати.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларининг баён этилиши. Тадқиқот мақсадига эришиш учун белгиланган вазифаларнинг долзарбилиги.

Тадқиқотнинг объекти ва предметининг асослантирилганлиги.

Тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этувчи бозор иқтисодиёти қонуниятларининг акс эттирилиши, демократик хуқуқий давлатда ижтимоий-хуқуқий ҳодисаларни билишнинг фалсафий, назарий-хуқуқий усусларининг қўлланиши.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, турли анжуманларда сўзлаган нутқларида ифодасини топган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жамият ҳаётини эркинлаштириш, инсон хуқуқлари бўйича концепцияларнинг муҳим услубий асос сифатида кўрсатилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясидаги белгиланган вазифалар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида илгари сурилган ғояларнинг методологик аҳамияти.

Тадқиқотнинг манбаси, ўрганилган адабиётлар ва материалларнинг ҳажми, уларнинг қўлланилиши ҳолати.

Тадқиқот илмий янгилигининг фарази. Илмий тадқиқот натижасида олинадиган илмий янгиликнинг баён этилиши. Илмий янгиликнинг бошқа илмий жамоатчилик томонидан муқаддам баён қилинган илмий мулоҳазалардан фарқи.

Ҳимояга илгари сурилаётган илмий фикрлар, ҳолатлар ва тавсияларнинг баёни. Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижалари, ундаги ҳолатларнинг тадқиқотчи томонидан эълон қилинган илмий мақолалар ва тезисларда баён этилганлиги, диссертация материалларидан таълим муассасалари доирасида ўтказилган илмий ва амалий машғулотлар ҳамда тадбирларда фойдаланилганлиги.

Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги. Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг таркибий тузилиши.

Тадқиқотчи нутқининг илмийлиги, мулоҳаза ва фикрларнинг мантиқийлиги, илмий мунозара га кириша олиш қобилияти.

## II-БЎЛИМ

**ИЛМИЙ ТАҶДИҚОТ ИШИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ш.М.МИРЗИЁЕВ АСАРЛАРИ ВА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Илмий тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларидан фойдаланиш учун танланган услуб. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ва Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларининг илмий тадқиқот ишида қўлланилиши учун тайёрланган библиография таркиби.

Илмий тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг назарий қарашларининг асос қилиб олиниш зарурияти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари, турли анжуманларда сўзлаган нутқларида кўйилган концептуал фикрлар ва муаммоларнинг тадқиқот услубий асоси сифатида олинганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида баён қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” нинг илмий тадқиқот ишида назарий асос сифатида олинганлиги даражаси. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар назарияси ва амалиётида ворисийлик: “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари” концепциясидан илмий тадқиқотда фойдаланилган даражаси.

Хуқуқий давлат: ғоялар тарихи ва ҳозирги замон “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” ғоясининг сиёсий қурилиш дастури ва уни жорий этиш муаммолари.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш йўлида И.Каримов томонидан таклиф этилган миллий давлатчилик ва иқтисодий ривожланиш стратегиясининг назарий жиҳатдан асослантирилгани, унинг илмий тадқиқот ишида акс эттирилиши.

Мустақилликнинг эълон қилиниши ва унинг дастлабки босқичида юзага келган ижтимоий-сиёсий аҳвол, республикадаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ишларнинг илмий-назарий шарҳи.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига илмий-назарий ўтиш зарурлигининг Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан илмий асосланишининг тадқиқот ишида акс эттирилиши.Бозор муносабатларига ўтишнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши ва унинг илмий асосланиши. “Ўзбек модели”нинг амалиётга жорий этилиш жараёни ва уни ҳозирги замон нуқтаи назаридан такомиллаштирилиши.

Тадрижий тараққиёт назарияси ва унинг бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишда мақбул йўл эканлиги. Эскилик билан янгилик орасидаги зиддиятлар, тафовутлар ва уларни бартараф этиш омиллари. “Ким эдигу ким бўлдик?” шиорининг ўзига хос хусусиятлари. Мустақиллик ва миллий тараққиёт концепциясининг натижалари ва хамда истиқболдаги вазифалари.

Миллий тараққиёт ва умумбашарий ҳамкорлик уйғунлиги. Зиддиятларни муроса асосида ҳал этиш назарияси. Жамиятда манфаатлар ва ўзаро боғлиқлик тенденцияси. Ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани ва унинг ижобий натижалари. «Ижтимоий табақалашув ва миллий ҳамжиҳатлик», «миллий манфаатлар» тушунчалари. Ўртаҳол табақа

мавқеининг ортиб бориши. Собиқ тоталитар мафкуранинг заарли оқибатлари. Плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги, шахс эркинлиги ва демократия тамойиллари.

Ижтимоий зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиш назарияси. Тафаккурдаги эврилиш ва ўзгаришлар. Мулкдорлик руҳиятини тиклаш ва янгидан шакллантириш, кишиларда ишбилармонлик, тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқ бой бўлса, давлат бой бўлади” ғоясининг амалиётга татбиқ этилиш жараёни.

## ІІІ-БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар ҳуқуқий асосларининг барпо этилиши ва институционал ўзгаришларнинг концептуал асослари

Ўзбекистоннинг ички иқтисодий сиёсатида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш стратегияси. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятларининг белгиланиши. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олиш ва уни ислоҳ қилиш стратегиясининг асоси. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадлари. Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот модели ва тамойиллари. Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш зарурати ва устувор йўналишлари. Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг устувор йўналишлари: молия ва солиқ сиёсати соҳасида; кредит-пул сиёсати соҳасида; нарх-наво бўйича ва пулнинг қадрсизланишига қарши сиёсат соҳасида.

Мустақил давлатимиз иқтисодиётга оид қонунлар тизимини ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг объектив сабаблари. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизи яратилишидаги муҳим йўналишлар:

- Ўзбекистоннинг давлат ва иқтисодий мустақиллиги ҳуқуқий негизларининг яратилиши;
- тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатидан янги иқтисодий муносабатларга, энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос солувчи ҳуқуқий базанинг яратилиши;
- хўжалик юритиш, институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги тури ва механизмининг яратилиши;
- Ўзбекистонни халқаро иқтисодий муносабатларнинг teng ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий нормаларнинг яратилиши;
- ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминловчи қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва такомиллаштирилиши. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида янгича ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари ҳамда ечимлари.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш йўллари ва воситалари, уларни қўллаш услублари. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг босқичлари ҳамда хусусиятлари. Йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларига хорижий сармоядорларни жалб қилиш йўллари. Хусусийлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантириш. Хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашда мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари.

Ўзбекистон иқтисодиётида аграр секторни ислоҳ қилиш стратегияси. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни амалга ошириш аграр сиёсатнинг муҳим шарти эканлиги. Дехқон, фермер хўжаликларининг ривожланиши. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таркибий тузилишини ўзгартириш ва такомиллаштириш, дон мустақиллигига эришиш.

Ўзбекистонда институционал ўзгаришларнинг зарурлиги ва аҳамияти. Бошқарув тизими ва механизми соҳасидаги ислоҳотлар. Марказдан туриб бошқариш ва режалаштиришдан воз кечиб, эркин бозор иқтисодиёти механизмини шакллантириш. Муассасалар тизимини ўзгартиришнинг аҳамияти. Давлатнинг иқтисодиётни бевосита бошқариш функциясининг уни иқтисодий дастаклар ёрдамида тартибга солиш функциясига айлантирилиши. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятлари ва устувор йўналишлари. Иқтисодиётни бошқаришда номарказлаштириш. Иқтисодиётни тартибга солишда нодавлат ва жамоат ташкилотлари ролининг ошиши.

Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш зарурияти ва муҳим йўллари. Корпоратив бошқарув тизими жорий этилишининг долзарб муаммолари ва уларнинг ҳал этилиши.

Нархларни эркинлаштириш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг муҳим шарти эканлиги. Талаб ва таклиф асосида эркин бозор нархларининг юзага келиши – бозор иқтисодиётининг асосий қонунларидан бири. Маъмурий-буйруқбозлик шароитида нарх-наволар тизими ва уни ислоҳ қилиш зарурати. 1991-1995 йилларда нархларни эркинлаштиришдаги жиддий ўзгаришлар.

Ўзбекистоннинг географик хусусиятлари. Ўзбекистонга нисбатан геосиёсий ва геоиқтисодий қизиқишлир ошиб боришининг сабаблари. Ўзбекистоннинг моддий имкониятлари, табиий бойликлари, заҳираси. Ўзбекистонда нефть ва газ, тоғ-кон саноатининг истиқболлари, ундан омилкорлик билан фойдаланишнинг амалий тадбирлари.

Эркин иқтисод, иқтисодни эркинлаштириш, очиқ иқтисод ва иқтисодий ислоҳотлар тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Очиқ иқтисодиёт пойдеворини вужудга келтиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари. Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятидаги иштироки: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Европа Иттифоқи комиссияси ва бошқалар. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг иқтисодий ислоҳотларни

амалга оширишда Ўзбекистон билан ҳамкорлиги. Миллий валютанинг жорий этилиши. Бозор муносабатлари тизимида миллий валютанинг тутган ўрни ва роли. Кучли миллий валюта – мамлакат иқтисодий мустақиллигининг рамзий мезони. Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг натижалари ва сабоқлари.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш

Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг устувор йўналишлари. Давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича бошланган ишларни якунлаш, чинакам мулкдорлар сафини кенгайтиришни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хом-ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш ва ахолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш. Давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини қисқартириш, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига эркинлик бериш.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида давлат мулкини хусусийлаштиришга қўйилган асосий талаблар. Ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш. Хусусийлаштириш орқали мамлакатда иқтисодий рақобат муҳитини яратиш. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарда ишлаб чиқариш тузилмасини диверсификациялаш рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда хусусийлаштириш жараёнларининг асосий мақсад ва йўналишлари. Тармоқ ва минтақавий хусусийлаштириш, хусусийлаштиришда худудий даражадаги марказлар мақомининг оширилиши, йирик ва ўрта корхоналарни кенг кўламли акциядорликка ўтказиш, қишлоқ жойларида хусусийлаштиришни жадаллаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини мерос қолдириш хуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериш. Саноатнинг асосий тармоқларини хусусийлаштириш бўйича белгиланган вазифалар. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган иккинчи босқичда хусусийлаштирилган корхоналарнинг унумли ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

Мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади. Ўзбекистоннинг иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги ўзига хос ёндашуви. Иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари. Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида бюджет-солиқ сиёсатининг муҳим вазифалари. Пул муомаласини тартибга солишнинг устувор йўналишлари. Банк ва молия тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш. Инфляция даражасини пасайтириш чоралари.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишда чет эл инвесторларини жалб қилиш ва қўшма корхоналарга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш. Чет эл инвесторлари учун белгиланган кафолатлар.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича қўйилган вазифалар. Четдан хомашё, бутловчи қисмлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтиришни қисқартириш мақсадида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантириш, республика иқтисодий мустақиллигини таъминлаш йўналишлари, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни талаб билан мувофиқлаштириш, мамлакат экспорт имкониятларини кенгайтириш ва тўлов балансини ижобий қолдигини таъминлаш чоралари.

Республикада ўзак тармоқларни ривожлантириш йўналишлари. Энергетика мустақиллигига эришиш бўйича қўйилган вазифалар. Металлургия комплексидаги таркибий ўзгаришлар йўналишлари. Фаол инвестицион сиёsatни ўtkазиш чора-тадбирлари. Ташқи инвестицияларни жалб қилиш ва ички имкониятлардан фойдаланиш истиқболини белгилаш вазифалари.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари. Мехнат, товар, хомашё, фонд биржалари фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари. Молия, банк-кредит тизимларини ривожлантириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш. Банк ва молия тизимларидағи ислоҳотларни чуқурлаштириш. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувини таъминлашда халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар билан муносабатлари.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва жамиятда тадбиркорликни қарор топтиришиқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг мақсади сифатида. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг устувор вазифалари. Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хусусий мулк миқёсининг кенгайиб бориши ва хусусий тармоқни жадал ривожлантириш. Молия ва банк тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни. Ўзбекистон миллий валютаси – сўмнинг барқарорлиги, харид қуввати ва алмашув кучини ошириш. Миллий валютанинг бошқа давлатлар валютасига нисбатан алмашув курсининг ўзгариши сабаблари. Солик сиёsatини такомиллаштириш жараёни.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг аҳамияти. Кичик бизнес учун қўшимча кафолат, имтиёз ва преференциялар бериш. Аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликни ривожлантириш, унинг ижтимоий аҳамияти. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада чеклаш. Уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш зарурияти. Коммунал хизмат қўрсатиш соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари. Уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари. Мамлакатда соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилишининг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилманинг тутган ўрни ва истиқболи. XXI аср бошида

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги долзарб вазифалар. Қишлоқ хўжалигидағи ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича белгиланган чоралар. Қишлоқ хўжалигида фермерликни ривожлантиришдаги асосий вазифалар ва устувор йўналишлар. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари.

XXI асрда Ўзбекистон иқтисодиёти. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан янги тамойиллар асосида олиб бораётган иқтисодий алоқаларининг тури ва тамойиллари. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши. Хорижий сармояларни миллий иқтисодиётга киритиш тамойиллари, имтиёзлари ва муаммолари.

Ислоҳотларнинг янги босқичида ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш ва ишлаб чиқариш маҳсулотларини диверсификация қилиш тўғрисида. XXI аср бошида иқтисодиёт таркибий тузилиши, экспорт ва импорт таркибини тубдан ўзгартириш муаммолари. Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш. Ўзбекистоннинг экспорт-импорт таркибидаги ижобий ўзгаришлар ва ташқи савдо географиясида юз берган ўзгаришлар.

Мамлакатни ва ижтимоий ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодиёт таркибий тузилишидаги ўзгаришлар ва ечимини кутаётган вазифалар ҳамда ички силжишларнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг энг асосий шарти – стратегик тармоқларни (машинасозлик, нефть-газ, энергетика) устувор ривожлантириш.

Ишлаб чиқариш ва бозор иқтисодиёти ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни шакллантиришни кучайтириш вазифалари. Иқтисодиётимизнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш – таркибий ўзгаришларнинг устувор вазифаси. Таркибий ўзгаришларни молиявий ва техникавий жиҳатдан таъминлаш муаммолари. Таркибий ўзгаришлар ва аҳолини янги иш жойлари билан таъминлаш вазифалари. Иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг истиқболдаги йўналишлари. Давлатнинг инвестиция сиёсати. Чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётга жалб қилиш механизми. Иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган таркибий тузилишини шакллантириш. Маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак!” номли маърузасида ўтган 2016 йилда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг

айрим кўрсаткичларига эришилмаганлигининг асосий сабаблари ҳақида. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизлик сони ўсишининг олдини олиш чора-тадбирлари. Меҳнат бозорини такомиллаштириш ва давлатнинг бандлик дастури, унинг асосий йўналишлари. Коллеж, лицей ва ОЎЮлари битирувчиларини иш билан таъминлашнинг давлат томонидан молиявий рағбатлантирилиши. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва мунтазам равишда чуқурлашиб бораётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг ютуқлари, сабоқлари ҳамда вазифалари таҳлили. Иктиносидиётни эркинлаштириш шароитида халқ турмуш даражасининг изчили ва барқарор ўсишини таъминлаш, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш. Ишончли ижтимоий ҳимоя ва кафолатлар тизимини такомиллаштириш муаммолари ҳамда асосий йўналишлари. Ижтимоий инфратузилманинг моддий асосини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифалари. Кучли меҳнат мотивациясини шакллантириш йўллари. Кам таъминланган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш.

### Ўзбекистон Республикасининг иктиносидий асослари

Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ижтимоий-иктиносидий негизи. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари. Хусусий мулк ва мулкдорлар қатламиининг шаклланиши.

Тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги. Рақобатнинг демократик жамият барпо этишдаги ўрни.

«Демократик жамиятда иктиносидий ҳаётни эркинлаштириш» тушунчаси ва унинг мазмуни. Тоталитар, маъмурий буйруқбозликка асосланган иктиносидиётдан ижтимоий йўналтирилган бозор иктиносидиётига ўтиш. Эркин бозор иктиносидиёти ва демократик жамият принципларининг ўзаро боғлиқлиги.

Бозор иктиносидиётининг моҳияти ва унга ўтишнинг ўзига хос йўллари. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишдаги назарий асосларининг ишлаб чиқилиши ва унинг босқичлари. Бозор муносабатларига ўтишнинг хуқуқий асослари яратилиши. Ўзбекистонда бозор инфратузилмасининг вужудга келиши. Ўзбекистоннинг бой табиий ва иктиносий имкониятлари. Ўзбекистонда амалга оширилаётган аграр ислоҳотлар: ютуқлар, натижалар ва муаммолар.

Ўзбекистонда иктиносидий ҳаётни эркинлаштириш босқичлари ва уларнинг хусусиятлари. Иктиносидиётни эркинлаштириш шароитида давлатнинг баъзи ваколатларини чеклаш ва вазифаларини маҳаллий органларга ўтказиш. Оилавий бизнесни ривожлантириш жараёнлари.

### Ўзбекистон Республикасида мулкдорлар синфининг вужудга келиши ва унинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти

Ижтимоий йўналтирилган бозор иктиносидиётига ўтиш. Ижтимоий йўналтирилган кўп укладли иктиносидиёт.

“Мулк” тушунчаси, унинг асосий белгилари. Мулкнинг ижтимоий илдиз эканлиги, унинг фуқаровий демократик асослари. Иқтисодий плюрализм. Мулкий мустақиллик. Ўзбекистонда мулқдорлар синфининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Мулқдорлар синфининг пайдо бўлиши – демократик тараққиёт асоси.

Ўзбекистонда ер умуммиллий бойликдир. Ўзбекистонда бойлик ва камбағаллик ўртасида мувозанатни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш – иқтисодий тараққиёт омили. Оиласи тадбиркорлик – халқ фаровонлигининг асоси. Ўзбекистонда монополияга чек қуиши ва рақобат муҳитини яратиш. Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий асослари.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устивор йўналишлари.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устивор йўналишлари

Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:

макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солища замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини кўпайтириш;

ишлиб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлиб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориши;

юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлиб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;

принципial жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

ишлиб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиши, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлиб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиши, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиши;

хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушкини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:

таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, яrim тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

касаллик ва зааркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда ахолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш.

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хуқуқини химоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш:

хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар ҳалқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган обьектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усусларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизmlарни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптималь фойдаланиш:

ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, ҳалқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига миңтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий

инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш обьектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, мұхандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда тижорат банкларининг ролини ошириш бўйича белгиланган вазифалар. Эски технологиялар асосида ишлаётган, истиқболсиз корхоналарни тугатиш, уларнинг ўрнида янги, замонавий ишлаб чиқариш кувватларини ташкил этишининг долзарб масалалари. Жаҳон молиявий инқирози шароитида ишлаб чиқаришни вертикаль ва горизонтал диверсификациялаш зарурияти ва аҳамияти.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан республика йирик тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш. Ҳукумат, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш.

Бирламчи қимматли қофзлар бозорининг корхоналар фаолиятини молиялаштиришдаги ролини ошириш йўллари. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда иккиласми қимматли қофзлар бозори бўйича белгиланган вазифалар. Жаҳон бозорида нархи тушиб кетаётган хомашёни экспорт қилиш амалиётидан рақобатбардош маҳсулотларни экспорт қилиш амалиётига ўтиш чоралари.

Халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, улар билан ҳамкорликда юксак технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш йўналишлари. Йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация обьектларини, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш ҳамда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш, фаол инвестиция сиёсати ва уни амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар.

Стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳалари, стратегик тармоқлар ва йирик корхоналарнинг узоқ муддатли техника сиёсати нуқтаи назаридан ишлаб чиқилаётган янги лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари ва шартларини мувофиқлаштириш масалалари.

Инқирозга қарши чоралар дастурида тадбиркорлик фаолиятини соликлар воситасида рағбатлантириш ва солик юкини енгиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар. Инқирозга қарши чораларда давлат тузилмаларининг иқтисодиёт соҳасига асоссиз аралашувини камайтириш юзасидан белгиланган вазифаларни амалга оширишда солик сиёсатининг

ўрни ва аҳамияти. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг хўжалик субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантиришдаги аҳамияти. Қишлоқларда уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларига берилган солиқ имтиёзлари ва улардан мақсадли фойдаланиш йўналишлари. Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси жараёнида суғурта рискини камайтириш, давлат томонидан суғурта фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш.

Мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни диверсификациялаш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари. Иқтисодиётнинг аграп секторида таркибий сифат ўзгаришлари. Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишлар. Мамлакатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш йўналишлари. Республикада транспорт-коммуникация ва инфратузилмани ривожлантиришнинг аҳамияти. Фаол инвестицион сиёсатни амалга ошириш йўналишлари. Республикада эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари. Ёшларни иш билан таъминлаш ва аҳоли даромадлари ҳамда турмуш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган долзарб вазифалар. Республикада касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича давлатнинг молиявий сиёсати.

Қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва таркибий ўзгаришларнинг зарурлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак!” номли маъruzасида 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб олиниши зарурлиги ва келгуси беш йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган стратегик вазифалар хусусида

#### IV-БЎЛИМ

#### МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ИСЛОХ ЭТИШ ВА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, СУД-ХУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон—суверен давлат

Ўзбекистонда янги давлатчилик, давлат ва халқ ҳокимиятининг қарор топиши. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимиятига бўлиниши.

Мамлакатимиз худудида давлатчилик анъанасининг қадимийлиги, қадимий анъаналарнинг ҳозирги кўриниши. Конституция — истиқлолнинг буюк ҳужжати, қонунчилигимиз асоси, янги давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асоси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сиёсий ва маънавий-маърифий аҳамияти.

Демократия шартлари: барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, ҳар бир киши ҳақ-ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши, миллий, диний, жинсий мансубликдан қатъи назар, ўзаро тенглик ва тотувликнинг таъминланиши. Собиқ яккаҳокимликка асосланган мафкура ва эскича қарашлардан воз кечиши. Мустақил давлатда фикрлар хилма-хиллигини жамиятнинг одатий таомилига айлантириш. Ўтиш даврида давлатнинг барча соҳалардаги ислоҳотчилик роли.

### Бозор муносабатларига ўтишнинг моделлари

«Ўзбек модели» тушунчаси. Демократик жамият қуришнинг тарихий ва замонавий моделлари: «Турк модели», «Швед модели», «Япон модели», «Миллий модел», «Шарқона модел». Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Ўзбек модели”нинг асосчиси.

Демократия моделларини «экспорт» қилишнинг миллий давлатчилик тараққиёти учун хавфли жиҳатлари. «Ўзбек модели»нинг ривожланиш концепцияси. «Ўзбек модели»нинг асосий тамойиллари: иқтисодиётнинг мафкурадан мутлок холилиги, давлат бош ислоҳотчи эканлиги, қонунустуворлиги, кучли ижтимоий сиёsat, бозор иқтисодиётига босқичмабосқич ўтиш.

«Ўзбек модели»ни амалиётга татбиқ этишнинг асосий босқичлари. «Ўзбек модели»нинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши. «Ўзбек модели»нинг ривожланиш истиқболлари. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш.

Ўзбекистонда демократик жамият ривожланиши жараёнида сайлов ва референдум институтларининг ўрни, қонун чиқарувчи ҳокимият

«Сайлов» ва «референдум» тушунчалари. Сайлов ва референдум институтларининг ҳуқуқий асослари. Дунёдаги сайлов, референдум ўтказиш тартиби: муаммо ва ютуқлар. Демократик жамиятда сайловлар. Ўзбекистонда сайлов тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Сиёсий партияning «ваколатли вакили». Кузатувчи мақоми.

Сайлов тизими субъектлари. Референдум. Давлат ҳокимияти вакиллик органларини сайлаш тартиби.

Қонун чиқарувчи ҳокимият тушунчаси. Қонун ишлаб чиқариш жараёни. Қонун қабул қилиш тартиби. Олий Мажлис ваколатлари. Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталарининг ҳуқуқий асослари.

Ислом Каримов «Демократия – бу сайлов, сайлов – бу демократиядир» шиорининг тарихий аҳамияти ҳақида. Муқобил сайловлар – фуқаролик

жамияти тараққиётининг муҳим омили. Халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашда референдум ва сайлов тизимининг ўрни.

Сайлов ва референдум ўтказиш тартибининг ҳозирги даврдаги долзарб муаммолари. Сайловолди ташвиқоти. Муддатидан олдин овоз бериш.

Референдум – халқ иродасининг олий ифодаси.

### Суд ҳокимияти

Суд ҳокимияти тушунчаси. Суд ҳокимияти таркиби. Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш тартиби. Суд мустақиллиги ғояси. Судлар ихтисослашуви. Конституциявий суд. Олий суд. Олий хўжалик суди. Маҳаллий судлар ва уларнинг ҳуқуқий мақоми. Суд ва прокуратура. Суд ва Ички ишлар идоралари. Президент ва суд ҳокимияти. Адлия вазирлиги ваколатларинингкенгайиши. Апелляция инстанцияси. Кассация инстанцияси. Прокурор ва адвокатнинг тенглиги. “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши. Ярашув институтини такомиллаштириш.

### Ижро ҳокимияти

Ижроия ҳокимияти тушунчаси. Ижро ҳокимияти таркиби. Вазирлар Маҳкамасини ташкил этиш тартиби ва унинг таркиби. Бош вазирнинг ҳуқуқий мақоми. Маҳаллий давлат ижроия органлари ва уларнинг ваколатлари. Ҳокимларни тайинлаш тартиби. Ҳоким – маҳаллий ижроия ва вакиллик органлари бошлиғи. Парламент ва ижроия ҳокимияти. Президент ва ижроия ҳокимияти. Бош вазир лавозимиға номзод кўриб чиқиш ва тайинлаш тартиби. Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари. Бош вазирга нисбатан Ишончсизлик вотуми ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.

Марказий Осиё мутафаккирларининг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ҳақидаги ғоялари

Шарқ Уйғониш даври (IX-XII асрлар)даги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ҳақидаги таълимотлар. Абу Наср Форобий (873–950), Низомулмулк (1018–1092), Абу Райхон Беруний (973–1048), Абу Али ибн Сино (980–1037), Бурхониддин Марғиноний (1123–1197)нинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

Амир Темур (1336–1405)нинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари. «Темур тузуклари», унинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришдаги аҳамияти. Амир Темур давлат бошқарувини ташкил этиш принциплари ҳақида. Алишер Навоий (1441–1501) ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) ижодидаги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ҳақидаги ижтимоий-сиёсий ғоялар.

XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнлар ва сиёсий ғоялар. Жадидлар ва уларнинг маърифатпарварлик, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Абдулла Авлоний (1875–1934), Абдурауф Фитрат (1886–1938), Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875–1919), Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1878–1931), Абдулла Қодирий (1894–1938), Абдулҳамид Чўлпон (1897–1938)ларнинг маърифатпарварлик ғоялари.

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Концепциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти. 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”га мувофиқ, «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш»нинг мазмун-моҳияти ва унда илгари сурилган ғоялар. «Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш»нинг мазмуни ва унда илгари сурилган ғоялар. Суд-хуқуқ тизимида ечимини кутаётган муаммоларга анъанавий, мантиқий, фалсафий нуқтаи-назар асосида ёндашув. “Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш»га бағишлиланган бўлимнинг мазмун-моҳияти, бу борада илгари сурилган таклиф-мулоҳазалар. «Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш»га бағишлиланган бўлимнинг мазмун-моҳияти ва унда илгари сурилган ғоялар.

Давлат ҳокимиятини номарказлаштириш шароитида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» тушунчаси ва ҳуқуқий мақоми. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш тартиби. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар. Мустақиллик даврида маҳалла институтининг ривожлантирилиши. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг ноёб институти. Тараққиётнинг янги босқичида маҳалланинг ўрни ва роли.

«Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш» бўлимининг мазмун-моҳияти. Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”даги «Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш» бўлимининг мазмун-моҳияти.

**Жамиятни демократлаштириш, ижтимоий адолат – барқарорлик таянчи**

Демократиянинг мазмун-моҳияти, демократияга зид бошқарув идора шакллари ва услубларининг барҳам топиши. Демократиянинг шартлари ва мезонлари. Демократиянинг миллий хусусиятларни ўзида ифода этиши. Демократик қадрият ва демократик тамойиллар. Демократик халқаро муносабатлар ва дунё тараққиёти. Демократия хусусиятлари: умумбашарийлик, минтақавийлик ва миллийлик. Демократия ва фуқаролик жамиятининг шаклланиш маданияти, алоҳида хусусиятлари ва ўзаро ўйғунлиги.

Фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш муаммоси. Ҳокимият ва фуқаро: ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари. Ислоҳот субъектларининг фаоллашуви билан боғлиқ муаммолар.

Ижтимоий адолат тамойили. Ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш ва умумдавлат барқарорлигининг яхлит жараён эканлиги.

“Ижтимоий шериклик” тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти. “Жамоатчилик назорати” тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти.

“Фуқаролик жамияти”нинг таърифи, моҳияти. Фуқаролик жамиятига оид қарашлар. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Мустақиллик даврида жамият тизимидағи институционал ўзгаришлар. Фуқаролик жамиятининг асосий белги ва мезонлари, функция ҳамда тамойиллари. Фуқаролик жамияти институтлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда давлатнинг бош ислоҳотчилик роли. Сиёсий партиялар фаолиятини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш жараёнлари.

### Давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлиган тантанали маросимдаги маърузасида суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш масалаларининг ёритилиши.

«Конституция» тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти. Конституциянинг функциялари. Конституция шакллари ва турлари. «Суверенитет» тушунчаси. Давлат, миллат ва ҳалқ суверенитети. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари: байроқ, герб ва мадхия.

«Ҳалқ ҳокимиятчилиги» тушунчаси ва унинг асосий мазмун-моҳияти. Ҳалқ ҳокимиятчилиги – давлат ҳокимияти қурилишининг асосий принципи. Ҳалқ ҳокимияти вужудга келишининг асосий шакллари: билвосита ва бевосита демократия.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги. Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилиши. Қонунийлик ва хуқуқ-тартибот. Инсон ва фуқароларнинг асосий хуқуқлари, эркинликлари таснифи. Конституциявий хуқуқ ва эркинликларнинг асосий хусусиятлари. Инсон ва фуқароларнинг конституцион бурчлари ва бурчлар тенглиги. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари кафолати. Давлат фуқаролар ҳуқуқи ва эркинлиги кафолати сифатида. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигининг суд томонидан ҳимояланиши.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви тизимида сиёсий партияларнинг тутган ўрни. Икки палатали парламентнинг ижобий жиҳатлари. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари. Давлат бошқаруви механизмида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми ва турлари. Нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш тартиби. Давлат ҳокимиятини номарказлаштириш шароитида нодавлат нотижорат ташкилотларининг тутган ўрни.

Сайловлар ва уларнинг ижтимоий функцияси. Демократик сайловларнинг ўзига хос хусусияти ва тамойиллари. Ўзбекистон

Республикасининг сайлов тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Сайловларни ўтказиша адолат ва ҳақиқат мезони. Референдум ва сайловларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг давлат бошқаруви механизмида тутган ўрни ва роли. «Бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш» принципининг моҳияти ва ҳокимиятлар тақсимланиш амалиётидаги ифодаси. Президентликка сайловлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Давлат бошқарувини модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятларини мувофиқлаштиришга доир ваколатлари. Президент томонидан имзоланадиган меъёрий-хуқуқий хужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асослари. Бош вазир институти ва уни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматини шакллантириш тартиб-қоидалари. Маҳаллий давлат ҳокимиятининг давлат бошқаруви механизмида тутган ўрни. Ҳокимлик институтининг вужудга келиш сабаблари. Ҳоким – маҳаллий вакиллик органи раҳбари. Маҳаллий вакиллик органларини шакллантириш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат бошқарув органлари тизимида тутган ўрни ва ижтимоий аҳамияти. Олий Мажлис палаталарини шакллантириш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг ваколатлари. Сенаторлар ва Олий Мажлис депутатларини сайлаш тартиби.

«Электрон ҳукумат» тизимининг афзаллиги. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:

давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва суд-хуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш;

сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.

Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш:

давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат

иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш;

мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш;

«Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;

оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш.

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш

Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари, Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлиги. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш мақсадида билдирилган таклифлар бўйича амалга оширилган ва оширилаётган ишлар. Суд тизими ва унда Конституциявий суднинг ўрни. Суд ҳокимиятининг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва роли.

Судда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар. Жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёsatни янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва унинг мазмуни.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:

судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар қўриш;

суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;

«Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш;

судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқища сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини қўриш;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш;

фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.

Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:

жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш;

одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш;

жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиши тартибини такомиллаштириш, бир-бирини тақрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш;

электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усусларини жорий этиш.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларида қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

ахолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

Суд-ҳуқук тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратоётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиши, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизmlарини жорий этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизmlари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш;

адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишида адвокатларнинг ролини ошириш;

нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари тизимини ислоҳ қилиш.

Кучли ижтимоий сиёsat ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши

Кучли ижтимоий сиёsat – барқарорлик асоси. Бозор ва ижтимоий ҳимоя: тажрибалар, муаммолар ва ечимлар. Ижтимоий ҳимоя ва уни амалга оширишда давлатнинг асосий функциялари. Ижтимоий адолат тушунчаси. Ижтимоий адолатни қарор топтириш йўл-йўриқлари. Ижтимоий сиёsat: зиддият ва ечимлар. Кучли ижтимоий сиёsat – Ўзбекистон Республикаси умумдавлат сиёsatининг бош йўналиши. Ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва ижтимоий сиёsatда рўй берган ўзгаришлар. «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш» тушунчасининг мазмун-моҳияти. Оммавий маънавий ва иқтисодий қашшоқлашув миллий хавфсизлик барқарорлиги ва

тараққиётга таҳдид эканлиги. Инсон капитали ва инсон омили. Ижтимоий ҳаётда турли табақа ва қатламлар орасидаги уйғунлик ва мутаносибликни қарор топтириш масалалари. Халқнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш ва ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш ижтимоий сиёсатнинг бош мақсади сифатида.

Инсон қобилияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш муаммолари ва ижтимоий тажриба. Ижтимоий сиёсат ҳамда фуқаролар дунёкараши ва рухиятида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:

аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини

камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини қучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;

пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арzon, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.

Арzon уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

аҳоли, энг аввало, ёш оиласар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арzon уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;

аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;

одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, майший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий обьектлар билан таъминлаш;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга заарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси

ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа мухим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти обьектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

Ёшлиарга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:

жисмонан соғлом, рухан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатый ҳаётай нұқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оиласалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.

**Демократия, ижтимоий адолат ва фуқаролик жамияти**

«Демократия» ва «ижтимоий адолат» тушунчаларининг ўзаро уйғунлиги. «Ўзбекистон — демократик ва ижтимоий адолатли жамият» тезисининг моҳияти. Ўзбекистонда барпо этилаётган адолатли жамият асослари: ижтимоий ҳимоя, давлатнинг қучли ислоҳотчилик сиёсати. Марказий давлат органлари вазифаларининг маҳаллий ҳокимият ва ўзиниўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши.

«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» тезисининг изчил амалга оширилиши. Ҳар бир фуқаро эркиннинг ва эркин яшаш хуқуқининг давлат томонидан кафолатланиши; инсон ва жамият фаровонлиги, давлат бош ислоҳотчи ва жамиятнинг уюштирувчи, ташкил этувчи органи эканлиги. «Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга» фоясининг сиёсий мазмуни.

